# Дунё океанлари ва денгизлари гидрологияси

**Марузачи: т.ф.н. Ф. Гаппаров**

- Режа:
- 1. Дунё океани ва унинг қисмлари.
- 2. Иқлим ўзгариши шароитида океан ва денгизлар сатҳининг тебраниши.
- 3. Дунё океани ресурслари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.

- Дунё океани ва унинг қисмлари, денгизлар.
- Атлантика, Тинч, Шимолий муз ва Ҳинд океанлари ва уларнинг денгизлари.
- Ер сиртининг океанлар ва денгизлар сувлари билан қопланган юзаси умумий ном билан *Дунё океани* деб аталади.
- У планетамизнинг сув қобиғи-гидросферанинг асосий қисмидир. Гидросфера Дунё океанидан ташқари қуруқликдаги сувлар-дарёлар, кўллар ва музликлардан, атмосферадаги сув буғларидан, тупроқдаги намликдан, ер ости сувларидан ташкил топган. Ер курраси умумий майдони (510 млн.км$^2$)нинг 361 млн.км$^2$ ёки 71 фоизини Дунё океани эгаллаган. Қуруқликлар юзаси эса 149 млн.км$^2$ ёки унинг 29 фоизини ташкил этади.

# Гидросфераниннг таркибий қисмлари ва улардаги сув ҳажми

| Гидросфера қисмлари | Сув ҳажми | | |
|---|---|---|---|
| | $10^3$ км$^3$ | Умумий ҳажмга нисбатан, % | Чучук сувлар ҳажмига нисбатан, % |
| Дунё океани | 1338000 | 96,5 | - |
| Ер ости сувлари | 23400 | 1,70 | - |
| Чучук ер ости сувлари | 10530 | 0,75 | 30,06 |
| Музликлар | 24000 | 1,73 | 68,70 |
| Асрий музлоқ | 300 | 0,022 | 0,86 |
| Кўллар | 176 | 0,013 | 0,25 |
| Тупроқдаги намлик | 16,5 | 0,0012 | 0,047 |
| Атмосфера | 12,9 | 0,0017 | - |
| Ботқоқликлар | 11,5 | 0,0008 | 0,033 |
| Дарёлар | 2,1 | 0,0002 | 0,006 |
| Ҳаммаси: | 1386000 | 100 | 100 |

- **Атлантика океани денгизлари:** 1. Болтик денгизи. 2. Шимолий денгиз. 3. Ирландия денгизи. 4.Ўрта денгиз. 5. Альборан денгизи. 6. Балеар денгизи. 7. Лигурий денгизи. 8.Тиррен денгизи. 9.Адриатика денгизи. 10.Ионика денгизи. 11.Эгей денгизи. 12. Крит денгизи. 13. Мармар денгизи. 14. Қора денгизи. 15. Азов денгизи. 16. Баффин денгизи. 17. Кариб денгизи. 18. Саргасово денгизи. 19. Скот денгизи (Скотия). 20.Уэделла денгизи. 21.Лазарев денгизи.
- **Тинч океан денгизлари:** 1. Беринг. 2.Охота. 3.Япон. 4.Сариқ. 5.Шарқий-Ҳитой, 6. Жанубий-Ҳитой, 7. Филиппин, 8.Сулу(Сибун, Васаяц, Самар, Самотес, Минданау денгизлари билан). 9.Сулавеси. 10.Молукка. 11.Хальмахера. 12.Серам; 13.Яван.14.Бали. 15.Флорес. 16.Саву. 17. Банда. 18.Янги Гвинея. 19.Сулаймон. 20.Коралл. 21.Фиджи. 22.Коро. 23.Тасман. 24.Росс. 25.Амундсен. 26.Беллинсгаузен;

- **Хинд океан денгизлари**: 1. Қизил денгизи. 2. Араб. 3. Андаман. 4.Тимор. 5.Арафур. 6.Дюрвиль. 7.Моусон. 8.Дейвис. 9.Ҳамжиҳатлик. 10.Космонавтлар. 11.Рисер-Ларсен;
- **Шимолий муз океани денгизлари**: 1.Гренландия. 2.Норвегия. 3.Оқ. 4.Баренц. 5. Карское. 6.Лаптевлар. 7.Шарқий-Сибир. 8.Чукотка. 9.Бофорт денгизлари.
- ***океан ва денгизлар сатҳининг тебраниши.*** Океан сатҳилари қисқа муддатли, мавсумий ва кўп йиллик тебранишларга учрайди.